

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган



БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ – ЎЗБЕКИСТОНИМ!

«ҚЎШЧИНОР»ДА ЎТГАН БАЙРАМ

Паркент туманининг «Қўшчинор» истироҳат боғида мустақилликнинг 24 йиллигига бағишланган «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистони!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.



Республика Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшма чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини йилгирма тўрт йиллиги муносабати билан «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистони!» шиори остида «I LOVE UZBEKISTAN» ёшлар фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида»ги мажлиси баёнига мувофиқ, ёшларнинг миллий истиклол ғояларига садоқат, она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, келажагимиз ворисларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган давлат сиёсати, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий ислохотлар, ҳаётимизда рўй бераётган демократик ўзгариш ва янгиланишлар билан яқиндан таништириш, уларда дахлдорлик туйғусини кучайтириш орқали турли зарарли иллатлар ташкиридан асраш мақсадида ташкил этилган гала-концертда фан, таълим, санъат, маданият ва спорт каби йўналишларда улкан муваффақиятларга эришаётган вилоятимиз ёшлари, барча таълим муассасаларининг фаол ва иқтидорли ўқувчилари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари жамулжам бўлишди.

«Мен Ўзбекистонни севаман» деб номланган фестиваль иштирокчиларини вилоятимиз ҳокими Аҳмаджон Усманов турли соҳаларда эришаётган муваффақиятлари билан муборакбод этар экан, Президентимиз раҳнамолигида ёшларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлод қилиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

– Ўзбекистон тарихан қисқа давр – йилгирма тўрт йил ичида муҳтарам Ўртбошимизнинг узоқни кўлаб юритувчи оқилона сиёсати натижасида ҳар томонлама тараққий этди, – деди вилоят ҳокими. – Шуни унутмаслик керакки, ёш давлатимизнинг тинчлиги ва барқарор ривожланишини кўролмайдиганлар ҳам талайгина. Турли ваз-карсонлар билан мусофаф осмонимизни булғамокчи, жаннат-мадон дийримизни жанг майдонига айлантirmoқчи бўлаётган

ғаламислар мақсадлари йўлида сизлардан фойдаланишга уришмоқда. Ишонаманки, сизлар ҳамisha мана шундай бирлашиб, улкан муваффақиятларга эришган ҳолда бугунимизнинг муносиб давомчилари бўлиб етишасиз.

Тантанали тadbир олдида вилоятимиз ҳокими олмаликлик ёш оила соҳиб ва соҳибаларидан беш нафарига шаҳарда бунёд этилган «Камолот» уйлари-нинг қалитини ҳамда вилоятимизнинг иқтидорли ёшлари, Қибрай туманидаги «Ziyo Globus» хусусий корхонаси раҳбари Бобур Зокиров ва икки томонлама шаффоф экранли, кўёшдан қувват олувчи янги

мобил телефон ихтироси Си-рождидин Насриддиновга ташаккурнома тақдим этди.

– Бу кун ҳаётимиздаги энг унутилмас кунлардан бирига айланди, – дейди янги хонадон соҳибаси Ғулҳаё Содикова. – Уй-нинг энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида, яна имтиёзли кредит эвазига узоқ йиллик муддатга берилгани бизни жуда қувонтирди. Бунинг учун Ўртбошимиздан, ёшларга қаратилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрликдан чексиз миннатдоримиз.

«Мен Ўзбекистонни севаман» мавзuidaги расмлар кўргазмаси намойиши билан бошланган фестиваль тантанали мусиқий дастурга уланиб кетди.

– Бу каби фестиваллар биз қатори ёшларни янада жипслаштириб, эзгу ғоялар атрофида бирлаштириб, – дейди белбоғли кураш бўйича Жаҳон чемпиони Жамшид Ниезбоев. – Она Ватанимизга, халқимизга, касби-бизимизга муҳаббатимизни ошириб, бу борадаги дахлдорлик хиссимизни кучайтиради.

Эстрада юлдузларининг Ватан, тинчлик, ёшлик ва муҳаббатни мадҳ этувчи қўшиқлари фестивал иштирокчиларини рақсга чорлаб, барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

Авазбек ХУДОЙКУЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.
Мансур НАХАЛОВ
олган суратлар.

Озодлик, ҳуррият, истиклол тушунчалари моҳиятини ўзида акс эттирган мустақиллик сўзи йилгирма тўрт йилдан бери юртдошларимизнинг тилида ва дилида мукддас калом янглиг янграб, турмушимизга фароғат, орзуларимизга қанот бахш этмоқда. Пири бадавлат кексаларимизнинг дуоларию тил-лаклари, оналар алласи, шоирлар шеъри, хонандалар қўшиғи, муаллимлар сабоғи, нафис ёшларнинг ёруғ келажакка талпиниб турган орзу-истаклари, ҳар бир ватандошимизнинг умид ва интилишлари шу сўздан нурланади, қувват олади.

БЕБАҲО НЕЪМАТ

Ватанимизнинг ҳар бир гўшасида йил бўйи бир-бирига уланаётган байрамлар, тўй-тантаналар, фестиваллар, спорт, санъат, адабиёт, маданият анжуманлари шунчаки, оддий тadbирлар, маросимлар эмас, балки, МУСТАҚИЛЛИКМИЗ тўғрисида бўлиб кетган ҳаётнинг оқини шулар билан осмондан тушгани йўқ.

Ҳар бир замонда ҳам юртимиз тупроғига лаш-кар тортиган турли миллат, турли қиёфадаги фотихлар моддий бойликларни гораг эттишдан ҳам қабир-роқ бир мақсадни – халқимизни эркиндан, ҳурлигидан маҳрум этишни, яъни, энг аввало, маънавий бойлигимиздан жудо қилишни, шу йўл билан қулга айлантиришни кўзда тутганлар.

Элнинг эрки, она юртининг озодлиги йўлидаги курашларга бошчилик қилгани учун ҳам Тўмарис ва Широқ, Маҳмуд Таробий ва Муқанна, Жалолиддин Манғуберди ва Амир Темур сингари улуг зотлар мардлик ва жасорат тимсоли сифатида тарихимиз саҳифаларига битилган.

Йилгирма тўрт йил мукддам Ўртбошимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Ватанимиз ва халқимиз истиклолга эришган, МУСТАҚИЛЛИК энг азиз бойлигимизга айланди. Бу сўз покиза умидлар рами – ҲИЛОЛ, мангулик тимсоли – ЮЛДУЗЛАР торлаган БАЙ-

РОҒИМИЗГА айланган ва жаҳон саҳнида ўзбек халқининг қадимий юрти – Ўзбекистон номли мамлакат минг-минг йиллардан бери борлигидан ҳам яна минг-минг йиллар бўла-жагидан шохидлик бериб, ҳилпайиб бошлади.

МУСТАҚИЛЛИК – уфқдан кўтарилаётган Кўёшнинг олтин шуълалари аро қанот ёзган бахт тимсоли – афсонавий Ҳумо қуши сиймосида ГЕРБИ-миз узра қанот қосди. У Давлат МАДҲИЯТИ – шукронамизнинг, бахт-саодатимизнинг, эзгу орзу-умидларимизнинг улугвор таронасига айланиб, дунё бўйлаб барал-ла янгради!

Истиқлол – бахт. Лекин, уни асраш, мустахкамлаш зарур. Ўтган йиллар давомида халқимиз бунинг ўз ҳаётида синаб кўрди. Ўчки ва ташқи ғанимларнинг турли хуржлари билан бир қаторда бошимиздан кечган иқтисодий қийинчи-ликларни матонат ва жасорат билан энгиб ўтишга тўғри келди. Алақибат тафаккур олами бугун замонага мос тарзда янгилашган, миллий ва умумбашарий қадриятларга таянган ҳолда янада бойинган, қалби Ватанига, мустақиллигига муҳаббат ва садоқат туйғуси билан талланган янги авлод улғайди. Бу авлоднинг шиори – ТИНЧЛИК, ТУТУВЛИК, мақсади – БУНЕДКОРЛИК.

(Давоми 2-бетда).

Маънавият

ЮРТИМИЗНИНГ ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИ

«Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин бизнинг энг катта бойлигимиз, энг юксак қадриятимиз – жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамкорликдир» деган эдилар Юртбошимиз.

(Давоми 4-бетда).

Тарихимиз дурдоналари

КЎҲНА ШАҲАРГА САЁҲАТ

Вилоят ҳокимлиги ва хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури асосида амалга оширилаётган хайрли саёй-ҳаракатлардан бири «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида улуг алломалар юрти Бухорои шарифга уюштирилган саёҳат бўлди.

Вилоятимиз ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётида ўз ўрни, маънавий хизмати бор она-хонлар, жонкуяр, фидойи хотин-қизларнинг бир гуруҳини теъзорар поезд кўз юмиб очгунча азим шаҳарга элтиб қўйди. Сўнгги 24 йил ичида ажиб қиёфа касб этган кўҳна ва нафис-рон шаҳар Бухоронинг обод қўчалари билан кўнглилар чарогон бўлди.

Саёҳат мустақиллик шарофати, Юртбошимиз кўрсатмаси билан қад ростлаган, мўтабар аждодиниз Баҳоуддин Накшбанд ва оналари Биби Орифа қадамжолари зиёратидан бошланди. Бу ерда биз ўтишга келажак ўртасидаги мустахкам кўприк – истиклол атамлиши хосиятли давр ёғдусини ҳис этдик. Зеро, бугун халқимиз ўз тарихини яхши билади-

ган, кечаги кунини унут-майдиган, ўзлигини таниб, мустақилликка суяниб, қаддини ғоз тутган истиклол фарзандларига айланди. Саёҳат давомида ҳамроҳлик қилган ёш тарихчи Фахриддин Баратовнинг бухоролик алломалар, тарихий маданият обидалар, осориати-қалар ҳақидаги қизиқарли маълумотларга тўлиб-тошган ҳикояларга келсаю ёшга завқ бағишлади, фахр-ифтихор, гурур туйғуларини бахш этди.

– Мустақилликдан аввал бу ерлар қаровсиз, зиёратчилар ҳам бемалол келолмас эдилар, – дейди Ф. Баратов. – Ҳурматли Президентимиз кўрсатмалари билан уч марта таъмирланиб, сиз кўриб турган ажойиб мажмуа барпо этилди...

(Давоми 2-бетда).

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚИНИ КИМ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ?»

Газетанинг шу йил 1 июлдаги 52-сонида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада вилоят ҳокимлиги соатларида бир қатор муҳим вазифалар қатори аҳолига турли хизматлар кўрсатиш маданияти, савдодаги нарх-наволарга эътибор қаратиш, раҳбарларнинг бу масалалардаги масъулияти хусусида танқидий фикр-мулоҳазалар билдирилаётгани, бироқ баъзи жойларда бу гапларга бепарво қаралаётгани ҳақида сўз борган эди.

(Давоми 2-бетда).

Кексаларни эъзозлаш йили

Кексаларни қадрлаш, уларга иззат-икром кўрсатиш халқимизнинг азалий фазилатларидан. Ўтаётган йилимизнинг «Кексаларни эъзозлаш йили» дея номланиши шу бетак-

НАМУНАЛИ ХОНА ХИЗМАТДА

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, вилоят ҳокимлиги ва хотин-қиз-

лар кўмитаси ҳамкорлигида аҳоли, айниқса кексалар, аёллар саломатлиги-

рор фазилатлар ифодасидир. Инсон омили устувор мустақил давлат сиёсати бугун маънавияти юксак халқимизнинг халқаро майдондаги обрўсини янада кўтарди.



(Давоми 2-бетда).

Август ойи – пахта ривожига, ҳосил тўплашда ҳал қилувчи фаслдир

АСАД СУВИ – АСЛ СУВ

Ўрта Чирчиқ туманидаги 251 фермер хўжалиги пахтакорлари 10701 гектарда пахтанинг «Наманган 77», «Султон», «Келажак» ва «Порлоқ» каби маҳаллий иқлимга мос, эртапишар ва серҳосил навларини парваришмоқда. Туман миришкорла-

ри Мирзақаримов Тешавой ота фермер хўжалигида ҳам барча зарур агротехника тadbирлар оби-тобида бажарилаяпти. Хўжалик омилкорлари тажрибали раҳбар бошчилигида асад ойининг ганимат вақтидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда.

Хўжаликнинг умумий 325

ри ҳосил тўплашда муҳим палла – август ойида барча агротехника тadbирларини белгиланган муддатда тез ва сифатли бажаришга, айниқса, ёзани тунги «шарбат» усулида суғоришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

гектар экин майдони бўлиб, ҳар йили мева, полиз ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштирилади. Айниқса, 150 гектардан ортиқроқ ерда галла ва 130 гектарга яқин майдонда пахтадан юқори ҳосил олинмоқда. Чунончи, ўтган йили галладан 80, пахтадан 45 центнердан ошириб хирмон кўта-

рилди. Бу йилги галла ҳосили ва пахта ривожига ҳам нокундай об-ҳаво шароитига қарамай, ўтган йиллардагидан қолишмайди.

– Ёзанинг соғлом ривожланишига асад ойида берилган суғиринг таъсири ва аҳамияти беқиёс, – дейди хўжалик раҳбари Тешавой Мирзақаримов. – Бу ойда қониб сув ич-

ган гўза кўсақлари тўлишиб, юқори ҳосилдорликка замин яратади. Аммо, уни қўллашга йўл қўймаслик лозим.

Дарҳақиқат, бу мавсумда гўзани зинҳор қўллаб ҳам, қўллаб ҳам бўлмайди. Чунки, ҳар икки ҳолатда ҳам гўзанинг илдизлари зарарланиб, ҳосил нишонлари тўкилади. Бунинг билан Т. Мирзақаримов мавсумга олдиндан пухта ҳозирлик кўрди. Пахта майдони бошига ўралар қаздириб, гектарга беш тоннадан маҳаллий ўғит ғамлади.

(Давоми 2-бетда).



Танлов

НОЁБ БОШҚАРУВ ИНСТИТУТИ

Маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятининг мазмун-моҳияти мустақиллик йилларида тубдан ўзгартирилиб, ноёб бошқарув институтига айланди. Унга нафақат мамлакатимиз, балки хорижда ҳам катта қизиқиш билдирилиб, юқори баҳо берилмоқда. Зеро, ҳар қандай жамият тараққиёти фуқаролар аҳилиги, жипслиги, ўсиб келаётган

ган авлод тарбиясига боғлиқ. Бу борада Ўзбекистон таҳрибаси 24 йил давомида бойиб боргани, ҳозир унга дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари – Англия, Германия, Франция, Хитой, АҚШ, Жанубий Кореяда маҳалла институти фаолиятини ўрганиш мақсадида халқаро анжуманлар уюштирилмоқда.

Мустақилликнинг 24 йиллиги арафасида Ўрта Чирчиқ туманидаги виллоят маънавият ва маърифат марказида "Бетакро-римсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказилган "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" танловининг виллоят босқичи шу чоратадбирлар самарасида юқори савияда ташкил этилди. Унда республика ва виллоят ташкилий кўмиталари аъзолари, тегишли давлат органлари ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, шунингдек, маҳаллалар фаоллари ҳамда танловнинг туман, шаҳар босқичида ғолиб бўлган фуқаролар йиғинлари раислари, ходимлари иштирок этди.



Қатнашчилар танловнинг маҳаллада аҳоли манфаати, давлат ва жамият ривожини йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг замонавий ахборот технологиялари ёрдамида намоёниши, шунингдек, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятига оид билим-

лари, турли масалалар ечимини топа олиш лаёқати, маънавий-сиёсий дунёқараши, билими бўйича беллашдилар. – Кўрик-танловнинг кўлами, аҳамияти йилдан-йилга ошиб бормоқда, – дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди виллоят бўлими раиси Ҳожиакбар Эрматов. – Унинг туман, ша-

ҳар босқичларида 1158 та фуқаролар йиғинлари фаол катнашди. Бугунги танлов иштирокчилари эса уларнинг энг билимдонлари бўлиб, "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижроси, асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссиялар, 8 та сектор, "Ота-оналар университетлари", "Оила – маҳалла – таълим муассасаси", ижтимоий ҳамкорлик бўйича ишлари синонадан ўтказилиб, чуқур таҳлил қилинди.

Танлов якунига кўра, таъкидланган мезонларга талаб даражасида жавоб берган иштирокчилардан

Паркент туманидаги "Обжувоз" маҳалла фуқаролар йиғини (раиси Рухиддин Холмонов) 1-ўринга муносиб топилди. 2-ўрин Ангрен шаҳар "Тараққиёт" маҳалла (Шуҳрат Тенглашев) фуқаролар йиғинига насиб этди. Пискент туманидаги Ойбек маҳалласи (Жўракул Отақулов) 3-ўрин берилди.

Умуман олганда, барча иштирокчилар танловга маъсулият билан ёндошганлиги улар тайёрлаган стендлар, фотоальбомлар, хунармандчилик ишлари, миллий либослар намоёйишдан кўриниб турибди. Лекин, фуқаро-

лар йиғинлари ходимлари малакасини тинмай ошириб бориш, бу борада ташкил этилаётган семинарлар, давра суҳбатларини изчил давом эттириш зарурлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Танлов ғолиблари ва барча иштирокчилар виллоят ҳокимлигининг фохарий ёрлиги, дипломлари, ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Тадбирда виллоят ҳокими ўринбосари Алимардон Каршиев иштирок этди.

Саид РАҲМОНОВА,
Даврон АХМАД
олган суратлар.

БЕБАҲО НЕЪМАТ

Истиқлол йилларида ёш авлоднинг ҳар томонлама етуқ инсонлар қилиб тарбиялашнинг моддий-маънавий асоси яратилди: деярли барча умумтаълим мактаблари янги қурилган ва реконструкция қилинган, энг илгор замонавий ўқув анжуманлари билан жиҳозланган мухташам бинолар билан таъминланди.

Ёшларнинг ўрта маълумот билан бирга ўзлари танлаган касб эгалари бўлишлари учун шарт-шароит яратилди. Юзлаб касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар том маънодаги таълим-тарбия масканига, турли мутахассисларни тайёрлаб берадиган даргоҳга айлан-тирилди.

Ёш авлоднинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий камол топиши учун давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари асосида излаб замонавий спорт иншоотлари қад кўтарди ва тўлиқ жиҳозланди. Кўплаб спорт майдончалари, болаларнинг доимий ва мавсумий ўйингоҳлари қурилган бирорта шаҳар, қишлоқ қолмади.

Истиқлол йилларида қурилган йўллар, кўприклар, саноат корхоналари, замонавий тураржой бинолари, маданий-ижтимоий соҳага тегишли иншоотларни бирма-бир

санашга ҳолат йўқ. Улар халқимизнинг беҳисоб бойликларидир. Бу бойликни бизга МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛИМИЗ берди.

Мухтасар қилиб айтганда, биз эришган МУСТАҚИЛЛИК Ўзбекистон аталмиш она диёримизнинг қайтадан топган МЕҲЛИГИ, ўттиз миллиондан зиёд Ўзбек халқининг ўзлиги, шонли ўтмишига, нури бугунига, ёрқин келажагига чин маънода эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлган саодатманд миллатнинг ҲАЁТИ, ТАҚДИРИ, БУЮК КЕЛАЖАГИДИР.

Шундай экан, мустақиллигимизни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, юртимизнинг ҳар томонлама равнақ топтириш, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборини янада юксалтириш йўлида тинмай изланишимиз, меҳнат қилишимиз лозим. Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган эзгу ва буюк ишларнинг доимо олдинги сафларида бўлайлик! Шу фарахбахш тонгларнинг, шуқуҳли, саодатли кунларнинг қадрига етайлик, шуқорасини унутмайлик!

Шажоъ
НИЗОМИДИНОВ,
Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Чиноз туман кенгаши ижроия кўмитаси раиси,
хуқуқшунос.

«Тошкент ҳақиқати»га
жавоб берадилар

«ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚИНИ КИМ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ?»

Тахририят ушбу мақолада юзасидан республика истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти виллоят ҳудудий бирлашмаси раиси вазифасини вақтинча бажарувчи А. Туғиев имзоси билан жавоб хати олди. Бироқ, хатда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти виллоят ҳудудий бирлашмаси Ўзбекистон Республикасининг қайси қонуню, Вазирлар Маҳкамасининг қандай қарорлари асосида фаолият юритиши, яъни тахририятга аввалдан маълум бўлган масала ҳусусида тушунтиришлар берилган ва қуйидаги мазмунда жумла қиртилган: "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти ва унинг ҳудудий бўлимлари истеъмолчиларнинг ҳуқуқий ҳимоялаши даражаси ва истеъмол маданиятини ошириш борасида жамоатчилик назоратини олиб боруви ягона институт ҳисобланиб, давлат ор-

ганлари фаолиятини назорат қилиш ваколатига эга эмаслигини, мақолада келтирилган ҳолатларни мониторинг қилиш қонунчилида белгиланган тартибда амалга оширилишини маълум қиламиз".

Ушбу жумладан "Газетада босилган танқидий мақоланинг ҳудудий бирлашмага алоқаси йўқ" деган маъно келиб чиқаётганини сезиш қийин эмас. Вақолаки, танқидий мақоланинг ҳудудий бирлашмага бевосита тааллуқли жойи борми эди. Яъни, Оқўрғон туманида икки йилдан бери истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятининг мутасадди вакили йўқлиги таъкидланган. Виллоят ҳудудий бирлашмаси тахририятга айна шундай изохли жавоб хати қутамиз.

Кексаларни эъзозлаш йили

НАМУНАЛИ ХОНА ХИЗМАТДА



ҳокимлари ўринбосарлари, хотин-қизлар кўмитаси раислари, оилавий поли-

(Давоми. Боши 1-бетда).

линика мутасаддилари, соғлиқ сақлаш бошқармаси вакиллари, "Маҳалла", "Соғлом авлод учун" жамо-

(Давоми. Боши 1-бетда).

ат фондлари фаоллари тақлиф этилди. Бу тиббиёт хонаси республикада фаолият юритаётган 2958 кишлоқ

(Давоми. Боши 1-бетда).

врачлик пунктлари, 108 та оилавий поликлиника қаторида замонавий жиҳоз ва бошқа қулайликлари билан аҳолига зарур тиббий ёрдам кўрсатади. Хотин-қизлар кўмитаси бундай тиббиёт хоналарини республикаимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам ташкил этишни режалаштирган.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова иштирок этди.

Сайёра ЭШМАТОВА,
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган суратлар.

Август ойи – пахта ривожиди, ҳосил тўплашда ҳал қилувчи фаслдир

АСАД СУВИ – АСЛ СУВ

– Нисбатан иссиқ келган бу йилги ёз мавсумида ердан намликнинг тез кўтарилиши кузатишмоқда, – дейди хўжалик сўчаси Собир Пирматов. – Бу ҳолатда гўзани тунги "шарбат" усулида уч марта суғурганимиз яхши самара берапти.

Шоналар гулга, гуллар кўсакка, кўсаклар эса момик чаноқларга айландиган мазкур даврда нафақат сув, балки қатор ора-ларига ишлов бериш, майдонни бегона ўт ва хаша-

(Давоми. Боши 1-бетда).

ротлардан сақлаш каби зарур агротехник тадбирларнинг вақтида ва сифати бажарилиши ҳам муҳимдир. Чунки, бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлган ушбу тадбирлардан бири бажарилмаса ёки кечиктирилса, ҳосилнинг бир қисми бой берилди.

– Ёзуға қанча кўп ишлов берилса, ривожланиши шунча тезлашади, – дейди хўжалик механизатори Оллошкур Мерганов. – Шу боис, ҳозиргача ўн марта культивация қилган бўлсак, ой охиригача ўн икки мартага ет-

казишни режалаштираёямиз.

Хўжалик ишчи, сувчи ва механизаторларнинг тунини тонга улаб қилаётган меҳнатлари натижаси ўларок, 127 гектарда парвариланаётган "Порлок – 4" навли пахтанинг ривож кўнгидагидек. Ҳар туп гўзада 30 тача бўлиқ кўсак мавжуд. Демак, хўжалик бу йил ҳам 40 центнердан ошириб хирмон кўтариши шубҳасиз.

Аваз ИСРОИЛОВ,
Даврон АХМАД
олган суратлар.



ЭЪОЛЛАР

"K'O'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ХАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРИНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

1. Савадга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Тошкент виллоят, Бўстонлик туман ҳокимининг 2015 йил 5 августдаги 1178-сонли қарорига ва 2015 йил 7 августдаги 2092/1-9-сонли хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқлари танловга қўйилмоқда:

1. Маданий-маърифий хизмат кўрсатиш шаҳобчаси қилини учун, Бўстонлик туман, Чорбоғ шаҳарчаси, Дўстлик маҳалласи ҳудудидида жойлашган умумий ер майдони - 0.08 га бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 377 900 сўм.

Танлов савдолари қўйилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқни олиш учун талабдорлар қуйидаги талабларни инобатга олишлари лозим:

1. яратилгандаги иш ўринлари энг кам сони 5 (беш) та; энг юқори сотиб олиш тўловини тақлиф этиш; сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

2. Гузалик саломи қурилиши учун, Бўстонлик туман, Чорбоғ шаҳарчаси, Беш тут маҳалласи ҳудудидида жойлашган умумий ер майдони - 0.03 га бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. ҳуқуқнинг минимал қиймати - 153 100 сўм.

Танлов савдолари қўйилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқни олиш учун талабдорлар қуйидаги талабларни инобатга олишлари лозим:

1. яратилгандаги иш ўринлари энг кам сони 3 (уч) та; энг юқори сотиб олиш тўловини тақлиф этиш; сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Мажбуриятларнинг бошлангич ҳақми Тошкент виллоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириги асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириги нусхаси талабдорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

мажбуриятларнинг бошлангич ҳақми Тошкент виллоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириги асосида белгиланади.

Танлов савдолари қўйилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқни олиш учун талабдорлар қуйидаги талабларни инобатга олишлари лозим:

1. яратилгандаги иш ўринлари энг кам сони 3 (уч) та; энг юқори сотиб олиш тўловини тақлиф этиш; сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Мажбуриятларнинг бошлангич ҳақми Тошкент виллоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириги асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириги нусхаси талабдорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Танлов савдолари қўйилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқни олиш учун талабдорлар қуйидаги талабларни инобатга олишлари лозим:

1. яратилгандаги иш ўринлари энг кам сони 3 (уч) та; энг юқори сотиб олиш тўловини тақлиф этиш; сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Мажбуриятларнинг бошлангич ҳақми Тошкент виллоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириги асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириги нусхаси талабдорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Танлов савдолари қўйилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқни олиш учун талабдорлар қуйидаги талабларни инобатга олишлари лозим:

1. яратилгандаги иш ўринлари энг кам сони 3 (уч) та; энг юқори сотиб олиш тўловини тақлиф этиш; сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Мажбуриятларнинг бошлангич ҳақми Тошкент виллоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириги асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириги нусхаси талабдорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Танлов савдолари қўйилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқни олиш учун талабдорлар қуйидаги талабларни инобатга олишлари лозим:

1. яратилгандаги иш ўринлари энг кам сони 3 (уч) та; энг юқори сотиб олиш тўловини тақлиф этиш; сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Мажбуриятларнинг бошлангич ҳақми Тошкент виллоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириги асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириги нусхаси талабдорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

"K'O'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ХАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРИНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

1. Савадга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Тошкент виллоят, Чиноз туман ҳокимининг 2015 йил 5 августдаги 455-сонли қарорига ва 2015 йил 11 августдаги 1-24/463-сонли хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

маъиш хизмат кўрсатиш биналари қурилиши ҳамда атрофини ободонлаштириш учун, Чиноз туман, Чиноз шаҳри, 1-кичик даҳа, Ёшлик маҳалласи ҳудудидидаги умумий ер майдони - 0.03 га бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. ҳуқуқнинг минимал қиймати - 190 140 сўм 54 тиш.

Мажбуриятларнинг бошлангич ҳақми Тошкент виллоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириги асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириги нусхаси талабдорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Танлов савдолари қўйилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқни олиш учун талабдорлар қуйидаги талабларни инобатга олишлари лозим:

1. яратилгандаги иш ўринлари энг кам сони 3 (уч) та; энг юқори сотиб олиш тўловини тақлиф этиш; сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Мажбуриятларнинг бошлангич ҳақми Тошкент виллоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириги асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириги нусхаси талабдорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Танлов савдолари қўйилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқни олиш учун талабдорлар қуйидаги талабларни инобатга олишлари лозим:

1. яратилгандаги иш ўринлари энг кам сони 3 (уч) та; энг юқори сотиб олиш тўловини тақлиф этиш; сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Мажбуриятларнинг бошлангич ҳақми Тошкент виллоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириги асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириги нусхаси талабдорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Танлов савдолари қўйилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқни олиш учун талабдорлар қуйидаги талабларни инобатга олишлари лозим:

1. яратилгандаги иш ўринлари энг кам сони 3 (уч) та; энг юқори сотиб олиш тўловини тақлиф этиш; сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Тарихимиз дурдоналари

КЎҲНА ШАҲАРГА САЁҲАТ

Шу ўринда Юртбошимизнинг ушбу сўзларини келтириш жоиз: "Бутун дунёга маълум ва машҳур бўлган буюк аллома ва азиз авлиқаларимиз орасида Абдуллоҳиқ Гиждувоний ва Баҳроуддин Нақшбанднинг муборак сиймоси алоҳида ажралаб туради. Ота-боболаримиз улугъ авлиё Баҳроуддин Нақшбандга чин дилдан илҳос қўйиб, уни "Баҳроуддин Балоғардон" деб таърифлаб келишда теран маъно бор..."

Ҳақиқатан ҳам 200 дан зиёд архитектура ёдгорликлари бўлган қадимий Бухоро 2000 йиллик тарихга эга. Қарийб минг йиллардан бунён қиёфасини йўқотмаган ёдгорликлар аждодларимиз заковатидан, ноёб қобилиятидан дарак бериб турибди. Жумладан, Исмоил Сомоний мақбараси Ўрта Осиё меъморчилигининг дурдонаси сифатида дунё ахлини ҳайратга солиб келмоқда.

– Ўзбекистонимизнинг жаҳонга машҳур қадимий шаҳарларидан бири – Бухорога келиш, азиз аждодларимиз хохи пойини зиёрат қилиш насиб этганидан гоёт хурсандман, – дейди зангиоталик онахон Ҳамида Аъзамова. – 10 йилдан бунён "Ободлик" маҳалласида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи-ман. Асл касбим ҳуқуқшунос. Ички ишлар бўлимида вояга етмаганлар иши бўйича шуғулланганман. Бугунги саёхатдан олган таассуротларини маҳалладошларим, хусусан ёшларга сўзлаб беришни ният қилдим. Зеро, ёшлар буюк аждодларимизга муносиб авлод бўлишга интилишса, ҳаракат қилишса, мақсадга эришганимиз шу бўлади.

Мени айниқса, "Арқи олий"нинг ноёб меъморий услубда қурилгани ўзига

(Давоми. Боши 1-бетда).

ром этди. Неча-неча тала-тўпларга дош берган арк деворларининг маҳобати хатто чет эллик сайёҳларни ҳам ҳайратга солапти. Ёнимдан ўтиб бораётган инглиз, корейс, французларнинг чуғур-чуғури қалбимга қувонч, гурур бағишлади.

– Менда Ситораи Мохи Хоса катта таассурот қолдирди, – дейди меҳнат фохрийси, халқаро Амир Темур жағмармаси виллоят бўлими раҳбари Муҳаббат Шоюсунова. – Ўйлаб қарасам, меъморчилик бўйича аждодларимиз заковатининг қиёси йўқ. Чор бақр, Лаби ховуз, Пойи Калон мажмуаси, Минораи Калон, Масжиди Калон, Мир Араб масжиди... Бу номларни узоқ давом эттириш мумкин.

– Бугунги саёхат онахонларимизга, хотин-қизларимизга маъқул бўлганидан бахтиёрман, – дейди виллоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиева. – Юртбошимиз таъкидлаганларидек, тарихини ўрганмай туриб, келажақни қуриб бўлмайди. Шунингдек, эзгу мақсадларга юксак маънавият, улуғлиқ маънавий тарбия орқали эришилади. Биз нафақат Бухоронинг ўтмиши, балки бугунги кунини, замонавий иншоотлар, ёш оилаларга қурилатгани қуриб, бутун Ўзбекистон бўйлаб давом этаётган бунёдкорлик ишларидан завқланиб, аждодларимиз заковати нуридан қалбларимиз ёришиб қайтмоқдамиз. Яқинлашиб келаётган энг улугъ, энг азиз байрамимиз – Истиқлолнинг 24 йиллик шодиёналари олдидан уюштириётган тадбирларимиз аввало, кексаларимиз кўнглини кўтарса, қувонтирса, мақсадга эришганимиз шу!

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Маънавият

ЮРТИМИЗНИНГ ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИ

Ривоят қилишларича, бир мамлакат подшоҳи шаҳар сайрига чиққанида, унга бир дарвеш рўпара бўлиб, салом берди. Подшоҳ унга битта олтин танга бериб, сахийлигидан ўзи мамнун ҳолда жилмаяди. Дарвешга бу оғир ботади-да, унга таъна қилади:

– Эй, подшоҳим, ҳисобсиз хазинанг бўлгани ҳолда ўз уканга биттагина тангани раво кўрдигини, – дейди.

– Ие, қачондан бери сен менга ука бўлиб қолдинг, – дейди подшоҳ ажабланиб.

– Нега ҳайрон бўласан, – дейди дарвеш, – ахир сенинг насл-насабинг Одам Ато ва Момо Ҳаводан бошланмайдими?

– Ҳа, албатта, – дейди подшоҳ дарвешнинг зукколигидан ҳушёр тортиб.

– Менинг ҳам насабим шундай, – дейди дарвеш, – Модомки, икковимизнинг ҳам ота-онамиз бир экан, биз оғани ҳисобланмаймизми?..

Гарчи бу ривоят латифанамо ҳангомага ўхшаб кетса-да,

(Давоми. Боши 1-бетда).

унинг замирида буюк ҳаёт ҳақиқат мужассамдир. Бугун дунё аҳолиси етти миллиарддан ошди. Улар турли ирқ, миллат, дину мазҳабга мансубки, бу ҳолатда ҳам Яратганнинг буюк ҳикмати, ўзига яраша синови мужассам. Асл илдизи бир, бир ота-онадан тарқалган одам болаларини Парвардигор ўзаро аҳилликда яшашини истади. Ва қаердаки, бу истаги амалга ошса, яъни аҳиллик, бағрикенглик устувор бўлса, ўша ерга қут-баракани бисёр қилиб беради.

Шу ўринда ҳазрат Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг машҳур Видо ҳажиди қилган хутбаларини эсласак. Бу хутбада Исроил кишии амал қилиши керак бўлган энг муҳим, энг зарур ақидалар, насиҳатлар, васиятлар айтилган эди:

“Хой одамлар, албатта, Раббингиз бирдир, отангиз бир кишидир, ҳаммангиз Одамнинг болаларисиз, Одам эса тупроқдандир. Аллоҳ наздида ҳурматлироғингиз тақводорроғингиздир. Арабнинг

ажамдан, ажамнинг эса арабдан, қизил танлининг оқ танлидан, оқ танлининг эса қизил танлидан ҳеч қандай устунлиги йўқ, магар бўлса, тақво биландир!” Дарҳақиқат, кишининг маълум бир динга ёки миллатга мансублиги, унинг бошқадан устунлигини англатмайди. Аллоҳ наздида одамлар худди тароқнинг тишлари каби тенгдир.

“(Айбсиз) зиммийни ўлдирган киши жаннатнинг ҳидини ҳидламас! Жаннатнинг ҳиди эрса қирқ йиллик масофадан ҳам келиб туради!” дея марҳамат қилинади Расули акрам (с.а.в.)дан ривоят қилинган бир Ҳадиси шарифда. “Зиммий бошқа динга мансуб киши бўлиб, унга бесабаб озор берган кимса билан қиёмат куни ҳусуматлашман, – дейди Расули акрам (с.а.в.) бошқа бир Ҳадисда.

Бизнинг халқимиз асрлар давомида худди шу ақида асосида яшаб келади. Бизда ҳеч қачон кам сонли миллатлар ёки дин вакиллари камситилмаган. Миллий ўзлиги

ва ақидавий қарашларига дахл этилмаган. Бунга халқимизнинг бағрикенг табиати ҳамда тинчлик, тотувлик каби юксак инсоний ғояларни ўзида мужассам этган динимиз ақидалари йўл бермаган. Ва худди шу Исролий ақида бугунги кунда, мустақил мамлакатимиз конун ҳужжатларида ҳам акс эттирилгани, ва амалда, 130 миллат вакиллари бир ота-она фарзандларидек истиқомат қилишаётгани, диний, миллий урф-одатларига амал қилишлари учун ҳар томонлама имконият, шароит яратиб берилаётгани, бу асрлардан асрларга ўтиб келаётган миллий-диний қадриятларимизга садоқат ва эътиборнинг ёрқин намунасидир. Биргина вилоятимиз мисолида оладиган бўлсак, 221 исломий, 51 та ноисломий ташкилот (насронийлар, буддавийлар ва боқийлар жамоаси ибодатхоналари) диндорларга хизмат кўрсатади. Ана шундай турли миллат, дину мазҳабга мансуб вилоятимиз аҳли

ўзаро аҳил, бағрикенгликда яшамоқда.

“...Эзгулик, тинчлик, яқинларга меҳр-муҳаббат туйғулар борадида гапирадиган бўлсак, албатта, биринчи қаторга Ўзбекистонни ёзиш зарур. Агар аҳиллик, бағрикенглик, инсоний қадриятлар масаласида халқлар ва мамлакатларга баҳо бериладиган бўлса, шубҳасиз, энг юксак баҳога ўзбек халқи ва Ўзбекистон сазовор бўлар эди”. Бу крим татар халқининг атоқли фарзанди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Февзи Ёқубовнинг дил сўзларидир ва айтиш мумкин, бу мардона сўзларда юртимизни ўз она Ватани деб билгучи, бугунги кунда Истиқлолимизнинг 24 йиллигини ўзининг энг азиз, энг улуғ байрами сифатида қарши олаётган неча минглаб бошқа миллат вакиллари ҳам меҳр-муҳаббатлари, эътирофлари мужассам толган десак янглишмаймиз.

Ҳайрулла ТУРМАТОВ,
вилоят бош имом-хатиби.

Тадбир

КЕКСАЛАР ЗАВҚИ


Фазалкент шаҳридаги “Боғи Эрам”да “Кексалар завқи” деб номланган тадбир ўтказилди.

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлими, “Миллий тикланиш” демократик партияси туман кенгаши ҳамда туман маданият ва спорт бўлими ҳамкорликда ташкил этган тадбирда нуруний отахонлар, маҳаллий аҳоли вакиллари иштирок этди. “Бекторимсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!” шiori остида уюштирилган “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури доирасидаги тадбирни шахмат ишқибозлари – нуруний отахонлар бошлаб бердилар. Марказий маданият саройининг спорт залида маҳаллалардан ташриф буюрган хотин-қизлар ўртасида волейбол мусобақаси ташкил эти-

либ, Чорбоғ шаҳарчаси вакиллари юқори натижага эришдилар. Волейбол бўйича эркаклар беллашувида эса Паргос қишлоғи вакиллари ғолиб бўлдилар. Шахмат ва шашкачилар баҳси ҳам қизиқарли кечди. Фазалкент шаҳридаги “Даҳана” маҳалласида яшовчи отахонлар Абдусаттор Рўзиев ва Ҳусанбой Икромовлар рақибларини доғда қолдирдилар. Шашкачилар беллашувида чорбоғликларнинг қўли баланд келди. Беллашув ғолиблари ва бир қатор номинациялар бўйича муваффақият қозонганларга ташкилотчиларнинг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Р. ИСМОИЛОВ.

Сураткаш ҳазили



Кобилжон ҒОФУРОВ сурат-лавҳаси.

Чанқоқни қондириш учун идишни гавдага қараб танлаш керак-да?!

Бу қизиқ

ТАБИЙ СИЁҲ КЎЛИ

Ушбу ноёб табиий феномен Жазирига Сиди-Бель-Аббес шаҳрига яқин жойлашган. Кўл сиёҳи тирик организмлар учун зарар ва факатгина ёзув учун яроқлидир.

Сиёҳли кўл феномени олимлар учун узоқ вақт мобайнида сир бўлиб қолган эди. Ушбу ғайриоддий модда кўлга сув ўрнига қандай қилиб тушиб қолгани аниқлаш маълум бўлди. Аниқ бўлишича, бу кўлга икки дарё оқиб бораркан. Улардан бирининг таркибиде, темирнинг кўпгина тузлари бор экан. Иккинчиси эса, торфли

ботқоқликдан олинган органик бирикмаларни ўз ичиде сақлайди. Ўзаро аралашиб, бу дарёлар сувлари кимёвий реакциялар натижасида, сиёҳни вужудга келтиради.

Маҳаллий аҳоли ичиде шу кўл тўғрисида бир неча афсоналар бор. Баъзилар уни шайтон кўли деб ўйлаб, айланаб ўтадилар, бошқалар эса, аксинча, ундан имкон борича фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Файритабиий кўл кўллаб номларга эга. Улардан энг машҳурлари – Сиёҳдон, Шайтон кўзи, Қора кўл.



ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига танлов ўтказишни қайта эълон қилади!

Бўка тумани 1-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар
Бекобод тумани 2-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар
Бўстонлиқ тумани 2-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар
Олмалиқ шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар
Қибрай тумани 1-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимига уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комис-

сиясининг қароридан кўчирма);
6. Охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камиде уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар 2015 йил 10 сентябрь кунига қадар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига мурожаат этишлари лозим.

Манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.

Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.

Тошкент вилояти ҳокимлигининг йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментининг “Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси”нинг 2015 йил 7 августдаги 35-сонли Баённомаси қарори билан:

Ўзбекистон Республикаси “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Қонунининг 22-моддасига асосан:

1.1. “MIRZOHID AVTO TRANS” МЧЖга “Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида микро-автотранспортда ташиш” фаолиятини амалга ошириш учун берилган “АТ” серияли, 000700 рақамли лицензиянинг амал қилиш муддати 2015 йил 8 августдан қайта тикланди.

1.2. “SHERXON TRANS” масъулияти чекланган жамиятига “Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида енгил автомобилларда ташиш” фаолиятини амалга ошириш учун берилган “АТ” серияли, 000545 рақамли лицензиянинг амал қилиш муддати 2015 йил 10 августдан 10 (ўн) иш кунига тўхтатилди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир

Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Маълумият:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

e-mail:

th.tp@mail.ru

Телефонлар:

Қабулхона:
233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).Бўлим муҳаррирлари ва
мухбирлар:

233-38-23, 233-48-08.

Шартнома ва эълонлар:

233-56-03, 233-65-59.

Ҳисоб-китоб бўлими:

233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011 йил
12 январда 03-001 рақами билан
руйхатга олинган.Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер марказида
териш ва сақланган.

Навбатчи муҳаррир

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ

Навбатчи

Нозима АРСЛОНОВА

Саҳифаловчи

Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ

Хафтаннинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Буюртма S-3671.

Адади 8088.

Баҳоси келишилган нархда

Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

ISSN 2010-9318.

Белгилли материаллар – тижорат материаллари. “ЎЗБЕКИСТОН” нашриёт-матбعا ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.00.